Приложение № 8 к правилам казначейского исполнения бюджетов бюджетной системы Республики Узбекистан

# ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*

**к договору (контракту) от 22 .08.2022 г. № 5**

**между Х/К "BRIGADIR" и Конликул тумани Мактабгача таълим булими (МБ) на общую сумму 497000000,00**

Глава 251

Казначейский лицевой счёт 100022860352187091100251013

(в сумах)

| Наименование месяцев 2022 г. | 7091100251 | | | Всего |
|---|---|---|---|---|
| | 4232200 | | | |
| Январь | | | | |
| Февраль | | | | |
| Март | | | | |
| Апрель | | | | |
| Май | | | | |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | 497 000 000,00 | | | 497 000 000,00 |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | | | | |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | | | | |
| **Всего за год** | **497 000 000,00** | | | **497 000 000,00** |

Всего 497000000,00 сум Торт жуз токсан жети миллион сум 00 тийин

сумма прописью

Из вышеуказанной суммы 149100000,00 сум или 30,00%*** от общей суммы договора подлежат предоплате в август мес. 2022 г.

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;

(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(***) — Месячный ______% , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до _____ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика ____________ Хожамуратов Бердибай Оралбаевич

(подпись) Ф.И.О.

М.П.

Главный бухгалтер заказчика ____________ Атабаев Бахадыр Назарбаевич

(подпись) Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения ____________

(подпись)

«___» ________________ 20___г.

Получил работник заказчика ____________

(подпись)

«___» ________________ 20___г.

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ№ 5

«22» август 2022 й                                                    Қонликул тумани

Кейинги ўринларда **«Буюртмачи»** деб юритиладиган номли **«Конликул тумани Мактабгача таълим булими «Низом»** асосида иш берувчи бошлик:**Б.Хожамуратов** бир томондан, кейинги ўринларда **«Пудратчи»** деб юритиладиган **«BRIGADIR» Х/К** си номидан **«Низом»** асосида иш курувчи **Т.Машарипов** иккинчи томондан, **«Конликул тумани 7 сонли мактабгача таълим муассасида жорий таъмирлаш»** ишларига мазкур пудрат шартномани туздилар

## I. ТАРИФЛАР

1. Бажариладиган курилиш ишлари лойихага асосан олиб борилади, беркитиладиган ишлар тасдикланганлиги тўғрисидаги далолатномалар хамда курилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар ва бажарилган ишни буюртмачи томонидан тасдикланган далолатномаси (Форма-2) асосида иш олиб борилади.

**курилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

**вақтинчалик иншоотлар** - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

**беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартнома нархини бўлиб чиқиш** - ишларнинг ҳар бир босқичи ваёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

## II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. **«Пудратчи»** мазкур шартнома шартларига кўра «Конликул тумани 7 сонли мактабгача таълим муассасида жорий таъмирлаш» ишларига учун умумийсуммаси **497 000 000сум (ҚҚС билан бирга, шундан ҚҚС суммаси 64 826 086,96 сўм)**бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади. **«Буюртмачи»** эса **«Пудратчи»** га қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва туловини амалга ошириш мажбуриятини олади.

## III. ШАРТНОМА БЎЙИЧАИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича **Пудратчи** томонидан бажарилган, танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва эркин танлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолдаташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми ва тури қатъий равишда ўзгартирилмайди( қонунда кузда тутилган холлар бундан мустасно);объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

## IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ваёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

Кўриб чиққан юрист: INAYEVA XURZIYA ALLAMBERGEN QIZI. Ҳужжат рақами: YC4724571331

Шартномага мувофиққурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;

қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;

қурилиш майдони қўриқланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

## V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага – иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

Ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

Молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

Мазкур шартнома имзоланган ва тегишли равишда руйхатга олинган кундан бошлаб Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

## VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

10. Шартнома:

миллий валюта "сўмда" ўзароҳисоб-китобқилинганда – томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада "сўмда" ўзароҳисоб-китоб қилинганда – шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан **60** кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар Смета хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

## VII. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг **30** (утиз) фоизи миқдорида аванс ўтказади, бу **149 100 000** сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс берилгандан сунг, кейинги тулов "Бажарилган ишлар"далолатномасига (форма-2) асосан амалга оширилади.

16. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқни ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўққилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

18. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига асосан ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

19. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

20. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

21. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупро ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

22. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

23. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

24. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

25. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

26. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва "Давархитектқурилишназорат" инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

27. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

28. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

29. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

31. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

32. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

33. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## X. КАФОЛАТЛАР

34. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш мажбуриятини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

Мавжуд нусонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

35. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш "Даврхитектқурилишназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

## XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

36. Буюртмачи:

Шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра. Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

Ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

37. Пудратчи:

Ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

38. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

39. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

40. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

41. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## XII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

42. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

Иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

ЎзбекистонРеспубликаси Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа конун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

43. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.01 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг30 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

44. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиг иучун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортгансумманинг 0.03 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

45. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,05 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган уқсонлар ва качиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,01 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

46. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи "Давархитектқурилишназорат" инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг10 фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

47. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

48. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

## XIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

49. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ихтисоди суди томонидан кўриб чиқилади.

## XIV. Коррупцияга карши талаблар

50. Ушбу шартноманинг харбир томони узига нисбатан колланилган барча, шу жумладан Узбекистон Республикаси амалдаги конунчилиги ва норматив хужжатлари Коррупцияга карши шартлар ва тегишли талабларни тушинишни ишонтиради ва уларни амалга оширишни кафолатлайди.

51. Тарафлар ушбу шартнома амалда булган бутун давр мобайнида Коррупцияга карши шартлар ва тегишли талабларни бажариш мажбуриятини олади.

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: VO3305617178

## XV. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

52. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

53. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

54. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар амалдаги қонунларга асосланган равишда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

55. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ақдлашувни асосланган холда расмийлаштирилиши ва амалдаги конунларга асосланиб тасдиқлаши керак.

56. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

57. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

58. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

59. Шартнома Ғазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтгандан сўнг қонуний кучга киради ва амал килиш муддати **« 31» декабрь 2022** йилгача ҳисобланади.

## XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

| ПУДРАТЧИ | БУЮРТМАЧИ |
|---|---|
| **«BRIGADIR» Х/К** | **«Конликултуманимактабгача таълимбулими»** |
| Адрес: РК Тахиатош тумани, Ш.Рашидов кучаси р/у | Адрес: РК Конликултумани, Гарезсизлик кучаси р/у |
| Тел. 91 378 66 77 | Тел (61) 332 -17 –09 |
| ИНН: 305 817 569 | ИНН: 207 267 685 |
| р/с: 2020 8000 4009 3431 5002 | л/с: |
| ОКЭД: 43390 | ОКЭД: 84130 |
| МФО 01038 | Единый казначейский счет Мин Фин. РУз |
| АКБ «Капитал банк» г. Нукус | р/с 2340 2000 3001 0000 1010 |
| | Центрбан[illegible] |
| | МФО 000[illegible]19 |
| Рахбар: Т.Машарипов<br>М.У. | Рахбар: Б.Хожамуратов<br>М.У. |

Юрист

Кўриб чиққан юрист: INAYEVA XURZIYA ALLAMBERGEN QIZI. Ҳужжат рақами: YC4724571331

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, ҳужжат коди: YC4724571331

# QANLÍKÓL RAYONI YURIDIKALÍQ XIZMET KÓRSETIW ORAYINÍŃ YURIDIKALÍQ ÁHMIYETKE IYE HÚJJETLERDIŃ NÍZAM HÚJJETLERINE MUWAPÍQLÍLÍǴÍ HAQQÍNDAǴÍ HUQÍQÍY JUWMAǴÍ

№ VO3305617178

23-avgust 2022-jıl

Qanlıkól rayonı

1. **Joybar túri**:Pudrat shártnaması

**2.Joybar atamasi:** Qanlıkól rayonlıq Mektepke shekemgi bilimlendiriw bólimi menen "BRIGADIR"X/K ortasındağı 5-sanlı Pudrat shártnaması haqqında.

**3. Joybardı islep shıǵıwshı hám kiritilgen sáne haqqında maǵlıwmat:** Qanlıkól rayonlıq Mektepke shekemgi bilimlendiriw bólimi tárepinen 2022-jıl 22-avgust kúni kiritilgen.

**4.** Joybar Ózbekstan Respublikası Puqaralıq kodeksi,Ózbekstan Respublikası Prezidentiniń 27.09.2018 kúngi 3953-sanlı qararı,Ózbekstan Respublikası "Xojalıq júritiwshi subektler iskerliginiń shártnamalıq –huqıqıy bazası haqqında" 670-I sanlı qararı talapları boyınsha islep shıǵılǵan hámde shártnamanı qabıl etiw maqsetke muwapıq.

**Qanlıkól rayonı yuridikalıq xızmet kórsetiw orayı bas yuriskonsultı**

**H.Inaeva**

«ТАСТЫЙЫҚЛАЙМАН»
Канлыкол районы Мектепке шекемги билимлендириу болими баслыгы
____________ Б.Хожамуратов
"22" август 2022-жыл

# Қанлыкөл районлық мектепке шекемги тәлим бөлими "Товар-материяллык байлыклар хам ислерди , хызметлерди) сатып алыу бойынша танлау комиссиясы" нын ен жаксы усынысларды танлап алыу бойынша откерилген №66 -санлы мәжлис баянламасы

2022-жыл "22" август

Канлыкол районы

| Қатнасыўшылар | (Ф.И.Ш) | (Лаўазымы) |
|---|---|---|
| Комиссия баслығы | Г.Косназаров | Канлыкол районы МШББ Унемлеуши |
| Комиссия ағзалары | Б.Мамбетниязова | Канлыкол районы МШББ Методисти |
| | А.Сейтмуратов | Канлыкол районы МШББ Товар хам материяллык байлыклар есапшысы |
| | Ш.Ерниязов | Канлыкол районы МШББ Шартнамалар бойынша канийгеси |
| | Б.Хударганов | Канлыкол районы МШББ Хожалык ислери бойынша менгериуши |

## КҮН ТӘРТИБИ:

Канлыкол районы Мектепке шекемги билимлендириу болими - Таңлап алыў комиссиясы баслыгы Б.Хожамуратов мәжлисте таңлаў комиссиясының 5 ағзасынан 5 адам қатнасып атырғанлығын айтып өтип, таңлаў комиссиясы мәжлисин ашық деп жариялады.

Таңлаў комиссиясы хаткери таңлаў комиссиясына төмендеги мағлыўматларды усынды:

Өзбекстан Республикасынын 2021-жылдың 22-апрелдеги 684-санлы "Мәмлекет сатып алыўлар хаккында»ғы Нызамының (текстте кейинги орынларда- Нызам) 58-статьясына мууапык ең жаксы усынысларды таңлап алыў откерилиўи хаққында арнаўлы информацион порталында (http://etender.uzex.uz/ ) дағаза таңлаў катнасыўшыларының қабыл етиў муддети тамамланыўынан 5 (бес) жумыс күн алдын мәмлекетлик буйыртпашы тәрепинен жеке кабинети арқалы жайластырылган 2022 жыл 10 август куни № 22110012135250 -санлы лот бойынша 2022-жыл 17-август кунги 135250-санлы баянламасы бойынша хеш кандай шагым келип туспеди.

Өзбекстан Республикасы "Мәмлекетлик сатып алыўлар ҳаққында"ғы Нызамы талапларына ҳәмде жоқары көрсетилген мағлыўматларды есапқа алып Таңлаў комиссиясы

## ҚАРАР ЕТЕДИ:

1. Канлыкол районы Мектепке шекемги билимлендириу болимине караслы 7-санлы мектепке шекемги билимлендириу шолкеми имаратын женил ремонт жумысларын амелге асырыу ушын өткерилген таңлап алыўда таңлаў хүжжетлеринде хәм таңлаў шәртлери бойынша ең жақсы шәртлерди усынған хәм таңлап алыў женимпазы деп табылган "BRIGADIR" Х/К **497000000** сум (ҚҚС пенен бирге) менен шартнама дузилсин.

2. Женимпаз мекеме таңлап алыў шәртлери тийкарында шәртнама дузиўден бас тарткан жағдайда шартнама дузиў хуқуқы кейинги қатнасыўшы (резерв) етип, " ASADOMSTROY " ЖШЖ белгиленсин. Бунда женимпаз қатнасыўшы усыныс еткен суммасынан аспаған муғдарда шәртнама дузиў мумкинлиги белгилеп койылсын.

3. Нызам талапларына муўапық таңлаў қатнасыўшыларының усынысларын көрип шығыў хәм баҳалаў мүддети усынtermслар бериў тамам болыўынан 10 (он) күнинен асып кетиўи мумкин емеслиги мағлыўмат ушын қабыл етилсин.

4. Мекеменин бас есапшысы - Б.Атабаевга танлау алыу жуумагы бойынша женимпазы менен шартнама хужжетлерин таярлау хамде шартнама дузилген сон 3 (уш) жумыс куни ишинде арнаулы информацион порталына (www.xarid.uz) жайластырыу тапсырылсын.

5. Танлау комиссиясы хаткери (Ш.Ерниязов), усы танлап алыу тийисли барлык хужжетлерди белгиленген тартипте сакланыуын тамийнлесин.

| Қатнасыўшылар | Имзасы | (Ф.И.Ш) | (Лаўазымы) |
|---|---|---|---|
| **Комиссия баслығы** | | Г.Косназаров | Канлыкол районы МШББ Унемлеуши |
| **Комиссия ағзалары** | | Б.Мамбетниязова | Канлыкол районы МШББ Методисти |
| | | А.Сейтмуратов | Канлыкол районы МШББ Товар хам материяллык байлыклар есапшысы |
| | | Ш.Ерниязов | Канлыкол районы МШББ Шартнамалар бойынша канийгеси |
| | | Б.Хударганов | Канлыкол районы МШББ Хожалык исдери бойынша менгериуши |

1341181

## Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"BRIGADIR" Xususiy korxona

(Yuridik shaxsning — tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"BRIGADIR" XK

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarni o'zgartirish)

23.10.2018 644883 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil)

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 305817569

Tashkiliy-huquqiy shakli: Xususiy korxona

Joylashgan joyi: Qoraqalpog'iston Respublikasi, Taxiatosh tumani, Taxiatosh sh., Sh.Rashidov ko'chesi nomersiz jay,

Guvohnoma: Qoraqalpog'iston Respublikasi, Taxiatosh tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)